

ОИЛАДА АЁЛ МАСЪУЛИЯТИ

Ўроқова Зилола

**ҚВХТХҚТМОИ “Тил ва адабиёт
таълими” кафедре мудири**

Мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини кўтариш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш, ҳуқуқларини ҳимоялаш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш давлатимизнинг устивор вазифаларидан биридир.

Оилада соғлом муҳитни яратиш, бурч ва масъулият каби муқаддас тушунчаларни болалар онгига сингдириш энг аввало аёллар зиммасига тушади. Ҳурматли юртбошимиз Ислон Каримов таъкидлаганларидек: “Эркакни-эркак, оилани-оила қиладиган, умуман ҳаётга мазмун бағишлайдиган, бизни одамийликка, мардлик ва олижанобликка, ҳақиқий инсон бўлишга чорлайдиган аёлнинг меҳр-муҳаббати ва заҳмати ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди”.

Аёлларни эъзозлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш қадимдан ўзбек халқига хос қадрият ҳисобланган. Муборак ҳадисларимизда ҳам “Аввало онангга, онангга ва яна онангга, сўнгра отангга яхшилик қил”, “Аёлларни фақат улуғ одамлар ҳурмат қиладди, уларни фақат пасткаш одам ҳўрлайди”, “Жаннат эшиги оналар оёғи остидадир” дейилган. Сўз мулкининг султони Алишер Навоий шу ҳадислар асосида қуйидаги мисраларни битган бўлса ажаб эмас:

Оналарнинг оёғи остидадур

Равзаи жаннату жинон боғи.

Равза боғи висолин истар эрсанг

Бўл онанинг оёғин туфроғи.

Буюк алломаларимиздан Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Имом Бухорий, Ибн Сино, Юсуф Хос Хожибларнинг асарларида ҳам аёллар улуғланган ва эъзозланган. Масалан, Ибн Сино “Уй тутиш тадбири”

асарида аёлнинг оиладаги ва жамиятдаги макеи, фарзанд тарбиясидаги масъулияти ҳақида фикр юритиб бир қатор мезонларни келтириб ўтади. Яъни аёл киши аввало билимли бўлиши, уятчан, шарм-ҳаёли ва сабр-тоқатли бўлиши, ўз эрини севиши ва унга бўйсўниши, эри билан эҳтиёткор бўлиб, унинг ҳурматиини жойига қўйиб муомала қилиши, ўз вазифасини яхши билиши, рўзғордаги нарсалардан тежамкорлик билан фойдалана олиши, ҳеч вақт ўз номига доғ туширмаслиги каби фазилатларга эга бўлишини таъкидлайди.

Тарихдан маълумки, бизнинг момоларимиз оилада маънавий муҳитни шакллантириш, фарзандларини баркамол этиб тарбиялаш ишлари билан бир қаторда давлат бошқаруви масалаларида ҳам ўзига хос ўрин эгаллаб келганлар. Шу ўринда тарихимиздан номлари абадий жой олган Тўмарис, Сарой Мулкхоним, Гавҳаршодбегим, Қутлуҳ Нигорхоним, Гулбаданбегим, Зебинисобегим, Нодирабегим, Жаҳон отин, Увайсий, Анбар отинларни эслаш ўринлидир. Чунки уларнинг бирлари шавкатли ҳукмдор бўлган бўлсалар, бирлари ҳукмдорларга оқила маслаҳатгўй, бирлари эса шоираю фозила бўлганлар.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган сўнг аёлларга бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Бугунги мураккаб глобаллашув жараёнида ёш авлодни баркамол шахс этиб тарбиялашда хотин-қизларнинг маънавий салоҳияти янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу ўринда Президентимиз Ислон Каримовнинг қуйидаги сўзларига эътибор қаратиш лозимдир: “Аёллар учун ижтимоий фаолият билан бола тарбиясини уйғунлаштиришга, соғлом авлодни вояга етказишга имкон берувчи барча шарт-шароитлар яратиб бериш бизнинг муқаддас бурчимиздир”¹ – деган эди. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда давлатимиз олиб бораётган оқилона сиёсат натижасида аёлларга ғамхўрлик қилинмоқда, уларга юксак ҳурмат, эътибор қаратилмоқда. Жамиятимизнинг турли соҳаларида уларнинг фаол иштирок этишлари

¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Т.:Ўзбекистон, 1999, 332-б.

учун барча шарт-шароитларни яратишмоқда. Зеро, ҳуқуқий демократик жамият қуриш жараёнида аёлнинг оила ва давлат соҳаларида ҳақ-ҳуқуқлари қонунларимиз билан кафолатланган. Бош қомусимиз Конституциямизда аёлларнинг барча соҳадаги тенглиги ва эркинликлари эътироф этилган. Албатта Президентимиз, ҳукуматимиз томонидан аёлларимизга билдирилган бу юксак ишонч ўз навбатида бизнинг зиммамизга маълум бир масъулият юклайди. Ҳозирги таҳликали даврда ёш авлодни миллий-маънавий қадриятларимизга содиқ, аждодларимизга муносиб ворис этиб тарбиялаш, уларни турли зарарли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш хотин-қизларимиздан катта куч-ғайрат, юксак маънавият талаб этади².

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Республикамиз аёллари Президентимиз, давлатимиз кўрсатаётган бундай беқиёс ғамхўрлик, алоҳида эътиборга жавобан янада фаол, катта куч-ғайрат билан ишлаб, янгидан янги муваффақиятларга эришиб ўзларини дунё миқёсида намоён этадилар.

² Аёл – баркамол авлод мураббийси// Энг катта бойлигимиз-тинчлик ва барқарорликни асрайлик. – Т.: Академия, 2006, 59-б.